

## ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ НИХОЯСИГА ЕТДИ



А. ТУРАЕВ олган суратлар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАРГА БОЙ БЎЛГАН ТЕННИС МУСОБАҚАСИДА РОССИЯЛИК ТЕННИС ЮЛДУЗИ МАРАТ САФИН ИККИНЧИ МАРТА БОШ СОВРИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.**

(Бу ҳақда газетамизнинг 8-саҳифасида ҳикоя қилинади.)

### УЧРАШУВ

## ҲАМКОРЛИК

Шу йилнинг 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Япония Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи жаноб Маруяма Тсуёши ва Нагая университети профессори Сигиура Казутакадан иборат Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Республика прокуратурасидан Миллатлараро ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Б.Хўжаев, Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи И.Жасимов, Қонунларни муҳассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғибот бўлими бошлиғи С.Ортиқова ва судларда ҳужалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи муовини Э.Даниелян қатнашди.

Учрашувнинг мақсади Ўзбекистон ва Япония ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорликни янада яхшилашга қаратилган эди. Меҳмонлар кейинги пайтларда японияликларнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган қизиқиши ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Нагая университетининг профессорлари Республика прокуратурасида бўлишган эди. Ана шу учрашув катта

ажумланларнинг дебочаси ҳисобланади. Шу кунларда эса Республика прокуратурасига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Осиё ва Узоқ Шарқ институти ўқув департаменти директори жаноб Хирофуми Матсуяма раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифи кутилмоқда.

Япониялик меҳмонлар Ўзбекистон прокуратураси билан ҳамкорликда бир қатор лекция ва семинар ўтказишни ташкиллаштириш билан бирга, ўзбекистонлик юристларни, шу жумладан прокуратура вакиллари ҳам тажриба алмашишлари учун Японияга таклиф қилиш режалаштирилётганини маълум қилди.

Шунингдек, учрашувда халқаро терроризм, наркотик моддалар савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилди.

(Ўз мухбиримиз)

### ТАДБИР

## ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Кеча Тошкент шаҳар прокуратурасида «Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ олтинчи сессиясида сўзлаган маърузаси муҳокамаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусида кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Унда тегишли идораларнинг масъул раҳбарлари, шаҳар прокуратураси идораларининг прокурор ҳамда тергов ходимлари, пойтахт ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов бошқариб бориб ва мажлис аввалида Президент Ислон Каримовнинг маърузаси йиғилганларга яна бир бор намоиш этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Пўлат Бобоқонов Президент Ислон Каримов маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва уларни ижро этишда прокуратура ходимларининг мажбуриятлари ҳусусида маъруза қилиб, жумладан шундай деди:

— Қонун устиворлигини таъминлаш — бу демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шу маънода яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ олтинчи сессияси катта аҳамиятга эгадир. Айниқса Президентимизнинг сессиядаги «Адолат — қонун устиворлигида» номли маърузаси суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасидаги энг муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд, Жиззах вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқлари бизни чуқур мулоҳаза қилишга ундайди. Мазкур сессияларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти асосли равишда танқидга олинди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, тергов олиб бориш ва суд қилишда адалат ҳамда инсонийлик тамойилларига тўлиқ риоя қилиш ҳақи равишда талаб қилинди. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини етарли даражада муҳофаза қилиш прокуратура ходимларнинг бош вазифаларидан бирига айланиш лозим.

Мажлис сўнггида кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз.)

### ҲОСИЛ-2001

## ЙИГИМ МАВСУМИ ЧИҚИМ МАВСУМИ ЭМАС

Мамлакатимизда пахта йигим-теримиға киришилганига анча бўлди. Ишнинг кўзини биладиган деҳқонларимиз аллақачон галаба рапортига имзо чекишган. Она Ватанимиз хирмонига топширилган «ок олтин»имиз 1,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Республикаимизнинг қайси жойида бўлмагн йигим-терим устидан чиқасиз. Бир сўз билан айтганда деҳқон галвирини сувдан кўтармоқда.

Республика прокуратураси идоралари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 августдаги «2001 йил пахта ҳосилини ушқоқлик билан йиғиштириб олиш чоратдбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан текширишлар ўтказилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзагроماشсервис» уюшмаси, «Ўзкимёсанот», «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ва уларнинг қўйи тизим идоралари, шунингдек, вилоят ва туманлар ҳокимликлари ҳамда ҳўжалиқлар раҳбарлари томонидан қайд этилган қарор талабларининг аниқ ва очишмай ижро этилишини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўрилмаган.

Хусусан, ҳўжалиқларга зарур миқдорда дефолиантлар етказиб бериш ва гўза баргини тўкишни жорий йилнинг 10 сентябрдан кечиктирмадан тугаллаш лозимлиги ҳақидаги қарорнинг 2-бандида кўрсатилган вазифалар Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсанот» ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компаниялари ва тегишли ҳокимлиқлар томонидан лозим даражада бажарилмаган. Оқибатда жорий йилнинг 13 сентябрь ҳолатига кўра дефолиация ишлари Қашқадарё вилоятида 82, Бухорода 69, Фарғонада 62, Самарқандда 47, Қорақалпоғистон Республикасида 27 ва Хоразм вилоятида 1 фоизга уудаланган, ҳолос.

Бундан ташқари, пахта хом ашёсини йиғиштириб олишда талон-тарож қилиш, ўзлаштириш ва республика ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиш каби ҳаракатлар содир этилганлиги ҳам аниқланган.

Жумладан, Фарғона вилояти прокуратурасида тузилган гуруҳ томонидан амалга оширилган рейд ҳарафинида 2001 йил 31 август куни вилоят боқжона бошқармасининг 11-сонли «Бурболик» боқжона маскани ҳудудидagi айланма йўллар назоратсиз қолдирилганлиги оқибатида Н.Мақамов ва Э.Яхёевлар 280 кг. миқдордаги пахтани Қирғизистон Республикасининг Қадмаҳқой туманига сотиш мақсадида олиб ўтаётганларида ушланган.

Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги «Шолиқор» ширкатлар уюшмасининг бригада бошлиғи А.Худойбердиев жавобгарлигидаги пахта майдонининг 1,1 гектаридagi пахтанинг ҳар бир килосини 25 қозоқ тенгесидан қозоғистонлик Комил исмли шахсга териб олишга рухсат берган ва 1,2 тонна пахта хом-ашёсининг Қозоғистон Республикасига олиб кетилиши оқибатида ҳўжалик манфатларига 111 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Қалбида гурури бўлмаган инсон юрт бойлигига хиёнат қилишдан ҳам қайтмайди. Энг ачинарлиси, бундай исооларни қўллаб келтириш мумкин.

Текширишларда жоїлардаги масъул мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини етарли даражада бажармасликлари оқибатида етиштирилган ҳосилни пайхон қилиш ва бошқа нобуғдарчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари содир этилаётганлиги аниқланган.

Булардан ташқари, текширишлар давомида айрим мансабдор шахслар томонидан йигим-терим мавсуми қатнашчиларига ҳисоб-китоб учун ажратилган пул маблағларини ўз вақтида тарқатмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлиги маълум бўлган. Жумладан, Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда 2001 йил 1-5 сентябрь кунларига қадар айрим ҳўжалиқлар томонидан 48 млн. сўмлик пахта терими учун берилиши лозим бўлган пуллар текшириш кунига қадар берилмаётганлиги аниқланган.

Прокуратура аралашуви билан тарқатилмай қолган пулларнинг ҳашарчиларга тўланиши таъминланган ва иш ҳақи маблағларининг ўз вақтида ҳўжалиқларга етказиб бермаганликлари учун айбдор шахсларга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилган.

Республика прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишлар ҳарафинида республика ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилгаётган 2,1 тонна пахта хом-ашёси айбдорлардан олиниб, пахта пунктларига топширилган.

**О.РЎЗМЕТОВ,**  
Республика прокуратурасининг  
умумий назорат бошқармаси катта прокурори.  
**О.СУВОНОВ,**  
бошқарма прокурори

## «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

## Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi  
prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

## Bosh muharrir:

Abduxoliq  
ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariga  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.

Korxona manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2849  
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

Naybatchi muharrir:  
H. NISHONOV  
Naybatchi: N. MAHMUDOV  
Sotuvda erkin narxda

## ФАРМОН ВА ИЖРО

# КЕЧИРИМЛИ МИЛЛАТНИНГ АВЛОДИ ҲАМ КЕЧИРИМЛИ БҮЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ  
БАҲРИДДИН ВАЛИЕВ  
БИЛАН СУҲБАТ

— Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек халқи кечиримли халқдир, бу бағри кенг халқнинг авлодлари эканмиз, биз ҳам кечиримли бўлишимиз керак. «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги Фармоннинг эълон қилиниши халқимиз феълидаги ушбу фазилатни яна бир бор исботлади,— деб суҳбатимизни бошлади Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Баҳриддин Валиев. — Негаки, билиб-билмай жиноятга қўл урган минглаб маҳбуслар уйига, ота-онасининг, ёру биродарларининг, фарзандларининг ёнига, янаям қувончлиси ижтимоий фойдали ҳаётга қайтади.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлилик тимсолига айланганлигини тасдиқлайдиган ушбу Фармоннинг 10-моддаси ҳусусида алоҳида тўхталишни истардим. Мазкур модда тузулиши йўлига ўтган террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига Ўзбекистон Республикасининг Конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳолларда қўлланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Тошкент шаҳрида Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, энг муҳими, бу борада турли қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда меҳнат органлари билан ҳамкорликда алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, шаҳар, туман прокурорлари иштирокида семинар-машуғулотлар, маҳкумларга Фармоннинг моҳияти ва у қандай шахсларга нисбатан қўлланиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилапти.

— **Фармоннинг қўлланиш тартиби ва таъсир доираси тўғрисида газетхонларга батафсилроқ тушунча бериб ўтсангиз.**

— Фармоннинг 1-моддасига асосан озоликдан маҳрум қилиш, шунингдек, озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озо этиш кўрсатиб ўтилган. Чунончи, ушбу модданинг, «а» банди таъсири доирасига ёшидан қатъий назар аёллар; «б» банди таъси-

ри доирасига жиноят содир этган вақтда 18 ёшга ўлмаган шахслар; «в» бандига Фармон қўнға киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар; Фармон қонуний қўнға киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш тиббий муассасаларининг ёки яшаш жойидаги сил касалликларига қарши диспансерлар тиббий комиссияларининг қарорига асосан сил касалининг актив формасига (1ба 2 гуруҳ диспансер ҳисобидагилар) чалинган деб топилган шахслар; «г» банди доирасига: — оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари, 1946 йил 23 августга қадар тугилган эркаклар;

— оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари, чет эл давлатларининг фуқаролари ҳисобланган шахслар тушади. Фуқароликка мансублик миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий ҳужжатларига биноан аниқланади. Фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, амнистия таъсирига тушувчи шахс доимий яшаб келган мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Амнистия таъсирига тушувчи шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик тўғрисида»-ги Қонуннинг 4-моддасига асосан аниқланади.

Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушмайдиган маҳкумлар:

— аёллар;

— воқия етмаган ёшда жиноят содир этган шахслар;

— ногиронлар ва жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган шахслар;

— 55 ёшдан ошган эркаклар;

— чет давлат фуқароларига Фармоннинг 2-5 моддалари ушбу моддаларда кўрсатилган асослар бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлардан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун 6 йилдан ортқ муддатга озоликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар Фармоннинг 2-моддаси таъсир доирасига тушмайди.

Фармоннинг 5-моддаси таъсир доирасига:

— Фармон чиқарилган қўнға қадар ўташ учун 3 йил ва ундан кам бўлган озоликдан маҳрум қилиш жазо муддати қолган маҳкумлар;

— муқаддам озоликдан маҳрум қилиш жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкумлар тушадилар. Фармоннинг 6-моддасига асосан фақат Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилади.

Жиноят ишларини суриштирув, тергов ва судда амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан тугатиш, жиноий жавобгарликдан озо этиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган моддий зарарларни ундириш масаласи фуқаровий суд ишларини юртиш тартибиде ҳал этилади.

Ушбу Фармон талабларига кўра: — Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушмайдиган шахслар томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят ишлари;

— Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахсларни Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2 моддалари, 247-моддаси 3-қисми, 248-моддаси 3-қисми, 271-моддаси 3-қисми, 273-моддаси 4-5 қисмларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айблаш бўйича жиноят ишлари;

— Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушадиган ўта хавфли рецедивистлар ва муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озо этилган шахслар томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят ишлари тугатилмайди.

Фармоннинг 7-моддасига асосан 2001 йил 23 август кунидан бошлаб жазо муддатининг ҳақиқатда ўталмай қолган қисми қисқартирилиши лозим.

Фармоннинг 8-моддасига асосан унинг таъсири жазо ўташ тартибини мунтазам бузган маҳкумларга тадбиқ этилмайди. Жазо ўташ тартибини мунтазам бузган бузувчилар деб:

— Фармон чиққунга қадар жазони ўташ даврида берилиб, амал қилиш муддати тугамаган ва олиб ташланмаган 2 ёки ундан ортқ интизомий жазоси бўлган маҳкумлар;

— ахлюқ тузатиш ишлари, жазоси озоликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилган, ҳукмининг шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган

жазони ўташ учун юборилган, шунингдек, манзил колонияларидан бошқа тартибли колонияларга қайтарилган маҳкумлар (башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан ким муддат ўтган бўлса); — жазони ўташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомиде қасддан жиноят содир этган шахслар ҳисобланади.

Судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармон, башарти ҳукм қўнға кирган кундан бошлаб 1 йилдан ортқ муддат ўтган бўлганга қўлланилиши мумкин (озоликдан маҳрум этиш жазосини ўташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслар бундан мустасно).

— **Аниқланишича, ушбу жиноят турининг ўсиб бораётганлигининг туб илдизи жазони ижро этиш муассасаларидан озо этилганларнинг айримлари яшаш манзилларига қайтиб бораеч, бир масалага қўндаланг қалаётганлигига бориб тақалмоқда.**

Чунончи, озо этилганларга нисбатан нафақат айрим ижтимоий қўнқма марказлари, балки яқин қариндошлари ҳам жиноятчи сифатида қараб, турли хил сунъий тўсиқларни яратганлиги уларни қайта жиноят йўлга кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу сизгари муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озо этилганларнинг маънавий, ҳам ижтимоий ҳимояси борасида қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Жазони ижро этиш муассасаларидан озо этилганларни ижтимоий фойдали турмушга мослаштиришда, шубҳасиз уларнинг атрофидеги одамларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Аммо афсуски, баъзи ҳолларда уларга нисбатан жиноятчи сифатида муомалада бўлаётганлар, иш жойларига эга бўлишлари учун айрим мансабдор шахслар турли сунъий тўсиқларни қўнётганлиги, энг ачинарлиси, айримларининг оила аъзолари ҳам уларга нисбатан шу сингари муомалада бўлишаётганлигидир.

Шунга ўхшаш ғайриҳуқуқий ҳолатларни олдини олиш мақсадида мутассадди идоралар билан ҳамкорликда фаолиятимиз мувофиқлаштирилди.

Фармонни тадбиқ этилиши натижасида жазодан озо этилганларнинг ҳар бирига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ишга жойлаштириш учун тадбирлар белгиланиб, бу борадаги ишлар ҳокимият вакиллари, маҳалла оксоқоллари, ички ишлар вазирилиги ходимлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Суҳбатдош: Шавқиддин ҒАНИЕВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

1 2 3 4 5 6 7 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.**

Ислом КАРИМОВ

— Ўтқир ака, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан қатор хайрли тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Насиб эса, юбилей кунлари прокуратура музейининг янги экспозицияси меҳмонларни қабул қила бошларкан...

— Юртбошимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз — келажақ йўқ» деган сўзларни кўп бор таъкидлайди. Бу сўзларда чуқур маъно бор. Негаки, ҳар қандай авлод ўз аجدодларининг тарихини билиши шарт.

Музей ҳақида гапирадиган бўлсам, у Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази биносидида жойлашган. Бош прокуроримиз Р.Қодировнинг ташаббуси билан ташкил этилаётган бу музей аввало прокурор-тергов ходимларини янада сифатли ўқитишда амалий ёрдам, кўргазмалар қурол бўлиб хизмат қилади. Музейда малака оширишга келган соҳа тингловчилари, олий ўқув юрларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига мустақиллик йилларида ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнлари, суд-ҳуқуқ, прокуратура тизимининг такомиллашув босқичлари ҳақида кенг маълумот берилади.

Музейнинг яратилишидан яна бир мақсад шуки, унда прокуратура органларида узоқ ва самарали ишлаган устозлардан қолган ҳужжатлар ва буюмлар ёрдамида уларнинг хотирасини экспозиция ва

да фаол иштирок этганлар. Бугун мусулмон дунёсида танилган оптика ҳадислар тўпламидан икkitаси ватандошларимиз Имом Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий қаламларига мансубдир. Биз кўпроқ музейимизда дунё цивилизациясига, фикрчилик соҳасига катта ҳисса қўшган улуғ юртдош-

тутади.


— Ўтқир ака, тарихимизнинг турли давралини акс эттирадиган қадимий экспонатларни йиғиб, музейга келтириш осон бўлмагандир?

— Музейда давр руҳини акс эттирувчи асл экспонатлар ҳам бўлиши лозим. Бундай экспонатларни

ўқув маркази ходимлари, прокуратура фахрийлари, музейшунослар киритилди. Комиссия бўлажак музейнинг илмий ва бадий концепцияларини тайёрлади, жойларда экспонатлар йиғиш бўйича илмий экспедициялар ўтказиш режасини ишлаб чиқди. Илмий экспедиция аъзолари Ф.Фозилов, Б.Назаров,

# МУЗЕЙ ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСINI ЯРАТИШ ИЖОДИЙ ГУРУҲИ РАҲБАРИ ЎТҚИР ЁРМУҲАМЕДОВ БИЛАН СУҲБАТ



аҳамияти улканлиги сабаб асрлар оша янги истилочилар ва уларнинг қонунлари ҳам юртимизга кириб келган.

Музей экспозициясининг биринчи зали бу йил 2700 йиллик юбилей катта микёсда нишонланаётган бебаҳо маданий меросимиз, зардуштийларнинг ноёб китоби «Авесто»га бағишланган.

«Авесто»нинг барча қисмларига ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий харақтердаги гоёлар чуқур уйғунлаштирилган бўлса-да, унинг ҳақиқий юридик моҳияти Видевдат китобида очиб берилган.

Видевдат — «Авесто»нинг бизгача етиб келган умумий ҳолатда йиғирмата, жумладан бешта ҳуқуқий китобдан бири ҳисобланади. Унинг номланиши «Девларга қарши қонунлар», яъни нопок куч-

ларимиз ўтмишига, улар қолдирган бой меросга эътиборни қаратганимиз.

Бу буюк муҳаддислардан ташқари мусулмон ҳуқуқидида машҳур бўлган қуйидаги Мовароуннаҳр фахилларини кўрсатиш мумкин: Абу Хафс ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Абу-л-Лайс-Самарқандий, Абу Бакр ал-Бухорий, Шамс ул-а имма ал-Ҳавоний, Шамс ул-а имма ас-сарахсий, Фахр ул-ислом ал-Паздавий, Ифтихор уд-дин ал-Бухорий, Фахр уд-дин Қорихон, Шамс ул-а имма ал-Қардарий ва бошқалар. Булар орасида Абу ибн Абу-Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний, ар-Риштоний ал-Марғиноний муҳим ўрин

турли шаҳар ва қишлоқларга бориб, аҳолидан, турли бозорлардан тўплаш анча мураккаб иш эканлиги сир эмас.

Республика Бош прокурорининг шу йил 8 февралдаги Фармойиши билан прокуратура музейини ташкил этиш комиссияси тузилди. Бош прокурорнинг 1-ўринбосари А.Эргашев бошчилигидаги бу комиссия таркибига Марказий маҳкама ва

Ф.Назаров, С.Наимов ва камина Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, янги музей учун юзлаб экспонатлар йиғдик. Бу ишда бизга жойлардаги прокуратура органлари яқиндан ёрдам бердилар. Экспедиция натижасида музейимизга қатор кўлэзма ва тошбосма китоблар (Қуръон, ҳадислар тўпламлари, «Мухтасар», «Хидоя»), ҳужжатлар (ҳукмлар, тилхат) қуроллар (қилич, ханжар, совут), жазо қуроллари (қамчи, дарра, кишан), прокуратура фахрийларининг ҳужжатлари келиб тушди. Бундан ташқари, давлат архивларида сақланаётган кўплаб ҳужжатлар, фотосуратлардан нусха олинди. Бугунги кунда ушбу экспонатларни илмий тавсифлаш, бўлажак музей сценарийини яратиш бўйича ишлар давом этмоқда. Шунингдек, прокуратура-тергов ходимлари малакасини оширишга хизмат қилувчи махсус туркум маърузалар тайёрланмоқда.

Яратилажак янги музей республика-мизда ҳуқуқий тарбияга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда бу борадаги тадбирларни амалга оширишда прокуратура органлари томонидан қўшилган салмоқли ҳисса бўлади, деб умид қиламиз.

Суҳбатдош:  
Зайида  
МАМАДАЛИЕВ



қўчма кўргазмалар орқали абадийлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, музейдан Республика прокуратураси ходимларига чет эл сафарларида топширилган халқаро учрашувларга оид ёдгорликлар, хорижлик меҳмонларнинг прокуратурамизга ташриф буюрганда берган совғалари ўрин олади.

— Музейнинг бўлимлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Музей бешта бўлимдан иборат бўлиб, 30 дан зиёд мавзунини ўз ичига олган. Яъни кириш, юртимиз ҳудудидидаги Милодий VIII асргача бўлган давлатчилик ва ҳуқуқимиз тарихи, VIII-XX асрлар ҳуқуқи тарихи, қонунчилик ва юртимиз ҳудудидидаги давлат тузилмалари, мустақил Ўзбекистон қонунчилиги, ҳуқуқий давлат қуриш йилларида, халқаро ҳуқуқ ҳамда «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси: кеча, бугун, эртага» бўлимларидир.

Юртимиз маданиятининг бойлиги ва ўзига хослиги шу билан изоҳланадиган, бу ўлка ўз даврида барча жаҳон динлари: зардуштийлик, буддизм, христианлик ва ислом таъсирини бошдан ўтказгандир. Бу ҳудуднинг старатегик

ларга қарши қонунлар деб аталса-да, у кўплаб ҳуқуқий тушунчаларни қамраб олган.

Видевдат китоби «покланиш қонунчилиги, турли ибодатлари амалга ошириш тартиби, гуноҳ ва савоб ишлар, шунингдек, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқшунослик қоидаларини қамраб олган «қозилик кодекси» ҳисобланади.

— Музейда миллий давлатчилик тарихидан ташқари дунё ҳуқуқшунослиги ривожига ҳисса қўшган тарихий ҳужжатларни ҳам учратиш мумкинми?

— Албатта, экспозициядан Хунлар давлатида одат ҳуқуқи, Муг тоғидан топишган юридик ҳужжатлар, ислом ҳуқуқшунослигига оид кўплаб қизиқарли манбалар жой олади.

Қўлчилик яхши билади, Мовароуннаҳрлик таниқли фикҳ алломаларининг хулоса ва фикрлари ҳаёт ҳақиқатларига таяниши билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр Ханафий мазҳабининг марказларидан бўлган.

Мовароуннаҳрлик фахиллар шариат қоидаларини муайян изчил тизимга солишда, умумлаштириш-

Яқинда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят прокуратураларида прокурор-тергов ходимлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этивчи идоралар вакиллари иштирокида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг II чақирғи VI сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Мажлис аввалида залга йиғилганларга юртбошимизнинг сессиядаги чиқиши намоиш этилди. Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов сўзга чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимидидаги ислохотлардан қўзаланган мақсад ва прокуратура идоралари фаолиятини давр талаблари даражасида қайта қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Маълумки, парламент сессиясида Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимидида ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини батафсил таҳлил қилиб берди. Собик Итифок Конституциясида давлат манфаатлари биринчи ўринга қўйилиши оқибатида суд-ҳуқуқ идоралари репрессив тизимга айланган эди. Мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган «Прокуратура тўғрисидаги» Қонун, Жиноят-процессуал Кодекси, Жиноят кодексларида шўро тузуми давридаги ай-

рим қонун-қоидалар сақланиб қолган эди. Юртимизда кейинги йилларда юз берган демократик ўзгаришлар жараёнига бу қонун-қоидалар зид бўлиб қолди. Шунинг учун сессия муҳокамасига юқоридаги қонунлардаги эскирган моддаларни чиқариб ташлаш, жазо тизимини либераллаштириш масалалари қўндаланг қўйилди.

Бош прокурор ўринбосари бунга қатор мисоллар келтирди ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришларни шарҳлаб берди. Прокуратура ходимларининг янги қонунни чуқур ўрганиб, унга қатъий амал қилишлари борасидаги долзарб вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Музокарада сўзга чиққанлар ҳам эскича фикрлаш, эскича тафаккурдан воз кечиш зарурлигини, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига жиддий эътибор билан қараш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И.ИБРОХИМОВ,  
А. МАДАТОВ,  
«Хуқуқ» мухбирлари

### ШУ СОНГА ХАБАР

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

Яқинда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят прокуратураларида прокурор-тергов ходимлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этивчи идоралар вакиллари иштирокида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг II чақирғи VI сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Мажлис аввалида залга йиғилганларга юртбошимизнинг сессиядаги чиқиши намоиш этилди. Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов сўзга чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимидидаги ислохотлардан қўзаланган мақсад ва прокуратура идоралари фаолиятини давр талаблари даражасида қайта қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Яқинда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят прокуратураларида прокурор-тергов ходимлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этивчи идоралар вакиллари иштирокида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг II чақирғи VI сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Мажлис аввалида залга йиғилганларга юртбошимизнинг сессиядаги чиқиши намоиш этилди. Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов сўзга чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимидидаги ислохотлардан қўзаланган мақсад ва прокуратура идоралари фаолиятини давр талаблари даражасида қайта қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Маълумки, парламент сессиясида Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимидида ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини батафсил таҳлил қилиб берди. Собик Итифок Конституциясида давлат манфаатлари биринчи ўринга қўйилиши оқибатида суд-ҳуқуқ идоралари репрессив тизимга айланган эди. Мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган «Прокуратура тўғрисидаги» Қонун, Жиноят-процессуал Кодекси, Жиноят кодексларида шўро тузуми давридаги ай-

# ПРОКУРАТУРА

## УЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

«...Мен 1999 йилнинг май ойида бир гуруҳ фарибгарларнинг найранглари туфайли хусусий мулким бўлган хонадонимдан ажралиб қолдим. Мен Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонасида 1988 йилдан буён даволанмоқдам. Хасталигимдан фойдаланган К.Каримов, С.Маллабоева ва К.Хотамовлар В.Ким деган фуқаро билан ўзаро келишиб, уйимни гаровга қўйишган экан. Шундан сўнг кўп ўтмай, В.Ким нотариус билан келишган ҳолда уйимни олиб қўйди. Мен эса болаларим билан кўчада қолдим. Ушбу масалага оидинлик киритиб, адолатни тиклашда менга ёрдам беришларингизни сўрайман.»

(Раъно Дўстхўжаеванинг Республика прокуратурасига ёзган аризасидан.)

Чилонзор тумани судининг 1999 йил 12 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан Р.Дўстхўжаева ўзига тегишли, ушбу тумanning 17-мавзе, 44-уйида жойлашган 67-хонадондан мажбурий равишда кўчирилиб, хонадонга эгалик ҳуқуқи даъвогар В.Кимга берилгандан сўнг шикоят ёзишга мажбур бўлган.

Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 28 февралдаги ажрим билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Даъвогар В.Кимнинг судга қилган мурожаатидан англашилди, у 1999 йил 14 май куни давлат реестрида қайд этилган олди-сотди шартномасига асосан Р.Дўстхўжаевага тегишли хонадонни сотиб олган. Мазкур шартномани 8-бандига кўра Р.Дўстхўжаева бир ой ичида уй рўйхатидан чиқиб кетиш мажбуриятини олган. Аммо у ўз ихтиёри билан уйни бўшатмаган. Шу сабабли даъвогар суддан низоли уйдан жавобгарни кўчиришни ҳамда унинг фарзандларини низоли уйда яшаш ва уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Р.Дўстхўжаева эса ўз даъвосида ва суд жараёнида берган кўргазмаларида унга қўшни бўлиш 43-хонадонда ижарада яшаб келаётган К.Каримов, Қ.Хотамов ва С.Маллабоеваларнинг илтимосига биноан, уларнинг моддий томондан қўйналаётганликлари учун ўзи яшаб турган хонадонни гаровга қўйганлигини, бунинг эвазига улар В.Кимдан 950 минг сўм пул олганликларини ва икки ой ичида пулни қайтаришга ваъда беришганини таъкидлаган. Аризада баён этилишича, унга олди-сотди шартномасини расмийлаштириш кераклиги тушунтирилганда, у масаланинг асл моҳиятига тушунмасдан бунга рози бўлган. Лекин уйни сотиш нияти бўлмаган.

Р.Дўстхўжаеванинг ушбу кўрсатмасини судда гувоҳ сифатида сўралган К.Каримов, Қ.Хотамов, С.Маллабоевалар ҳамда жавобгарнинг фарзандлари ҳам тасдиқлаганлар. Аммо суд ушбу кўрсатмаларни, жавобгар томонидан келтирилган ахжларни инобатга олмасдан, нотўғри ҳулоса асосида даъвогар В.Кимнинг ноқонуний талабни қаноатлантирган.

Ушбу иш Республика прокуратураси томонидан Р.Дўстхўжаеванинг аризасига асосан қайта ўрганиб чиқилганда қуйдагилар маълум бўлди.

Иш материалларида Р.Дўстхўжаеванинг Тошкент шаҳар 1-руҳий касалликлар диспансерида даволанганлиги ҳақидаги ҳужжат мавжуд бўлса-да, ушбу маълумотга тегишли баҳо берилмаган. Бундай ҳолатда, суд Р.Дўстхўжаева олди-сотди шартномасини расмийлаштириш жараёнида ўз ҳаракатларининг аҳамиятига тушунганлиги, уларни бошқара олганлигига ишонч ҳосил

қилиши учун, ФПКнинг 160-моддасига кўра суд-руҳий экспертизасини тайинлаши ва ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун бемор даволанган диспансер шифокорларини ишга жалб этиши лозим эди.

Суд томонидан йўл қўйилган ҳатолардан яна бири ФПКнинг 121-моддаси талабларига риоя этилмаганлигидир. Ушбу моддада гарчи муомалага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим ҳақиқий эмас, деб топилиши қайд этилган. Бироқ нима сабабдандир мазкур талаб адолат ҳимоячиларининг назарларидан четда қолиб кетган. Бу моддага риоя этилмаганлиқнинг сабабини майли, «назарда четда» қолганликка йўйилик, лекин ФПКнинг 122, 123-моддаларига асосан янгилишиш ва алдаш таъсирида тузилган битимларнинг ҳақиқий эмас деб топилишидан наҳотки судьялар беҳабар бўлсалар?

Р.Дўстхўжаева кўрсатмаларида В.Ким, К.Каримов, Қ.Хотамов ва С.Маллабоевалар унинг руҳий касаллигидан фойдаланиб, алдов йўли билан олди-сотди шартномасини тузишга кўндирганликлари бот-бот такрорлаган. Шунингдек, уни ушбу ишга бошлаган К.Каримов, Қ.Хотамов ҳамда С.Маллабоевалар берган тушунтиришларида Р.Дўстхўжаеванинг тузилган битимдан умуман манфаатдор бўлмаганлигини баён этганлар.

Ишнинг эътиборни жалб қиладиган жиҳатларидан бири шуки, суд материалларида В.Кимнинг гаровга пул берганлиги ҳақида гап боради. Лекин В.Ким ўз даъво аризасида ва суд мажлисида уйни Р.Дўстхўжаевадан сотиб олганлигини таъкидлаб, гаровга қарз бериш ҳақида «Ташкентская неделя» газетасига эълон берганлигини суддан аширишга муваффақ бўлган.

Текшириш жараёнида В.Ким ҳақиқатда ҳам гаров эвазига эмас, балки уй олди-сотди шартномасини тузиш шарт билан кредит беришни айтиб, Р.Дўстхўжаева ва бошқаларни алдаб шартнома туздирганлигини, натижада унча катта бўлмаган пулга 3-хонали уйни қўлга киритганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Юқоридаги ва бошқа сабабларга кўра мазкур фуқаролик иши юзасидан чиқарилган суд қарорлари ноқонуний бўлганлиги сабабли, улар бекор қилиниб, ишнинг янгидан қўришга юбориш ҳақидаги ҳамда А.Абдузов ва Л.Абдузаваларга нисбатан уйда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво талабларини рад этиш ҳақида қарор чиқарили. Шу билан бир қаторда Р.Дўстхўжаеванинг В.Ким ва бошқаларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво си қаноатлантирилди.

К.Каримов ва С.Маллабоевалардан В.Ким фойдасига 950.000 сўм ундириб берилди.

Шундай қилиб, Республика прокуратурасининг аралашуви туфайли Р.Дўстхўжаеванинг уй-жойга эгалик ҳуқуқи тикланди.

О.НУРБОВ,

Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида

прокурор ваколатини таъминлаш бўлими

катта прокурори,

адлия катта маслаҳатчиси,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Буюк ипак йўли қайта тикланиб, унинг икки ёнида йўловчилар учун барча қўлайликларга эга бўлган маданий-маиший иншоотлар қурилиши қизғин давом этмоқда. Ипак йўлининг шахримиз ҳудудидан ўтгани ва бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари шахримиз ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Масалан, шаҳар четида қад ростлаган «Жаҳон бозори» бугун нафақат Наманган вилояти, балки Фарғона водийсининг энг гавжум савдо марказларидан бирига айланган. Мазкур бозор атрофида қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда.

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Мен ҳам Ватан равнақиға баҳоли қудрат ҳисса қўлишга астойдил бел боғлаган бир тадбиркор сифатида Ипак йўли четиға ўз маблагим ҳисобидан маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шаҳобчалари қуришга аҳд қилдим ва шу йилнинг 16 январидида «Жаҳон бозори» ёнида қурилиш учун ер ажратиб беришларини сўраб Наманган шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилдим. Турли муаммолар, машмашалар шундан сўнг бошланди. Шаҳар ҳокимлиги ва ер кадастри идораси ўртасида қатнайвериб чарчадим. Орадан уч ойга яқин вақт ўтса ҳам бирор аниқ жавоб ололмадим. Бунинг устига ҳужжатларим изсиз йўқолиб, қўшимча муаммолар пайдо бўлди.

Шундан сўнг мен ҳақ-ҳуқуқим ва қонун бузилишларига чек қўйилишини сўраб вилоят прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳужжатларим топилди. Шаҳар ер кадастри бўлим бошлиғи В.И.Моминов мени уч ойга яқин сарсон қилгани учун унга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзгатилади.

Шундай қилиб, прокуратура аралашган, ниҳоят менга «Жаҳон бозори» ёнидан ер ажратиб беришди. Ҳозир шаҳар архитектори ва бошқа мугасадди идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда менга берилган жойда шахримиз чиройига чирой қўшадиған иншоот қуриш режасини тузаяпмиз. Мен шахримиз ободонлигига оз бўлса-да ҳиссамни қўиш имконига эга бўлганимдан мамнунман. Бу хайрли ишда менга яқиндан ёрдам берган вилоят прокурори ва шу идора ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Марғуба УМАРОВА,

Наманган шаҳридаги «Абдуллажон» кўптармокли хусусий фирма таъсисчиси

## ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ҚАРОРЛАР

Мен 2000 йил октябрь ойида тумандаги Боғишамол марказий касалхонасига шартнома асосида 85 сўмдан 10 тонна пиёз топширдим. Касалхона бош ҳақими пиёз пулини 4-5 кунда беришни айтди. Лекин пул айтилган пайтда қайтарилмади. Орадан 20 кун ўтиб бош ҳақимдан маҳсулотимни қайтариб беришни сўрадим. Шифохона раҳбари эса 3 кундан сўнг менга пиёз ишлатиб бўлинган деб «расходной квитанция» берди. Наҳотки, 10 тонна пиёз 3 кунда ишлатиб бўлинган бўлса. Шундан сўнг 2001 йилнинг февраль ойида туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим. Аризам апрел ойида қўриб чиқилди.

Суд қарорига асосан пулнинг тўлиқ суммасини май ойида олишим керак эди. Лекин ҳозирги кунгача ўзим ишлаб топган ҳалол пулимини ололмапман. Менга туман марказий шифохонаси моддий зарар етказгани учун шартномада кўрсатилган суммани фоизи билан ундириб берилишида ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Салима ЖўРАЕВА,

Чуст тумани,

Шўркент жамоа ҳўжалиги

Хурматли тахририят!

Пастдаргом тумани суди 2000 йилнинг 20 октябрь куни фуқаролик ишимни кўриб чиқиб, жавобгар — С.Турсунов жамоа ҳўжалигидан менинг фойдамга 111.390 сўмини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган эди. Қарор эса бугунги кунгача ижро қилинмаётир.

Мен суд ижрочиларини хатти-ҳаракатлари устидан Пастдаргом тумани судига ҳам моддий, ҳам ижрочиларнинг лоқайдлиги натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш хусусида даъво ариза топширмоқчи эдим. Туман суди эса ижрочи жавобгар бўлмайди, деб аризамни қабул қилмади. Менинг саволларим қуйидагича:

1. Нима учун суднинг ҳал қилув қарори бир йилдан буён ижро қилинмаяпти?
2. Нима учун суднинг ҳал қилув қароридан кейинги ўтган вақт учун мени яна етказилган зарарларни ундириш ҳақидаги даво аризам Пастдаргом туман фуқаролик ишлари бўйича судига қўрилмай ётибди? (Бу аризам 2001 йилнинг июль ойида топширилган эди).
3. Нима учун ҳал қилув қароридида кўрсатилган 11039 сўм давлат божини ижрочи дарров ундирадими, меники билан ҳеч ким қизқмайди?

Сизлардан ушбу масала бўйича амалий ёрдам кутиб қоламан.

Т.РЎЗИМУРотов,

Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани,  
С.Турсунов жамоа ҳўжалиги, Чандир қишлоғи

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯЧИСИ

## ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧМИЗ!

Эшик тақиллатиб, киришга руҳсат сўраб турган онахонга кўзим тушиши билан, уни хонага тақилф қилдим.

— Мен Фотиما Асқарова бўлман, — деб гапини бошлади онахон. — Пахтабод кўрғонида яшайман. Оилада кўпчиликимиз. Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватланаётганлиги ва бу борада имтиёзлар борлигини эшитиб, менда ҳам кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш фикри пайдо бўлди. Шу ўй билан туман «Пахтабанк»га мурожаат қилдим, банк ходимлари менга қандай ҳужжатлар тайёрлашим ва қайси идоралардан рўйхатдан ўтишим кераклиги ҳақида тушунтиришди. Кўп ўтмай талаб қилинган киритиб қўйишди. Аммо орадан ойлар ўтдики, кредит ажратилишидан дарак бўлмади. Мана шу ечимлай турган муаммони ҳал қилиб берсаларингиз деган умидда келгандим.

Фуқаро Ф.Асқаровнинг аризасига асосан туман «Пахтабанк»и маъмурияти томонидан кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган тадбирлар

ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Текширишда тадбиркорларга кредит маблағлари ажратилишида кўплаб қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Қонунбузилишга йўл қўйган банк ходимларига нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди ва Ф.Асқаровага 1 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Орадан 1 йил ўтиб онахон билан яна суҳбатлашдим. 10 бош қорамол сотиб олиб, оила аъзолари билан фаолиятни давом эттириб келмоқда экан. Энг асосийси, онахонимиз тузган режа ишсизликнинг олдини олиб, оиланинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаган.

Излаган имкон топади, дейди халқимиз. Фуқароларимизнинг ўз ҳақ-хуқуқларини тушуниб олишларида биз прокуратура идоралари ходимлари ишончли маслакдош бўлишимиз лозим. Зеро, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга фаолиятни ривожлантиришда шароит яратиб бериш юртимизда арзон ва сифатли маҳсулотлар кўпайишига омил бўлади.

**С.НАЗАРОВ,**  
Шароф Рашидов тумани  
прокурори,  
1-даражали юрист

## РАҲМАТНОМА

Мен ва акам Александр Андижон шаҳридаги «Импульс» корхонасида ишлаймиз. Бошқа ҳамкасбларимиз қатори алоқа тармоқларини монтаж қиламиз, таъмирлаймиз. Очиқ ҳавода, иссиқ-соғуқда ишлашга ҳам тўғри келади. Бу соғлиққа таъсир қилмай қолмайди. Акам бетоб бўлиб, вақтинча ишламади. Бир неча ойдан бери маош ололмаймиз. Корхона маъмуриятига, бошлиқ В.Заборовага мурожаат қилсак, маблағ йўқлигини, ишни қилдириб олган корхона ва ташкилотлар қарзларини вақтинча тўламаётганини баҳона қилади. Қарзларни ундириб, маошларни вақтида тўлаш унинг бевосита вазифаси, қонуний мажбурияти-ку!

Корхона маъмурияти иш ҳақимизни тўлашни ортга суравергач, вилоят прокурори номига ариза ёздим. Прокуратура ходимлари аризамизни қонуний ҳал қилиб беришди. Корхона маъмурияти ойлик олинмаган вақт учун акам Александрга 32 минг сўм, менга 31 минг сўм иш ҳақимизни тўлади. Бундан ташқари, менга 35000 сўм, акамга 22 минг сўм моддий ёрдам пулларини беришди.

Биз каби оддий фуқароларнинг арзларига қулоқ тутиб, ишимизни одилона ҳал қилиб бераётган прокуратура ходимларига миннатдорчилигимизни газета орқали етказишингизни илтимос қиламан.

**Денис ПОЛЯНИН,**  
Андижон шаҳри

...Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий Ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасидан.

Асосий қонунимиз бўлган Конституциянинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбурияти қайд қилинган. Ота-оналар ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний ва руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилиши шарт. Бу қонун талабидир.

## ОНАЛИК ШАЪНИГА ДОҒ

Аммо ораимизда баъзи бир кимсалар ўз фарзандлари тарбиясига лоқайд муносабатда бўлаётгани миллатимиз шаънига тўғри келмайдиган ҳолдир.

Раҳима Асрарова турмуш ўртоғи Т.Асраровнинг вафотидан кейин оналик мажбуриятини бажармай, вояга етмаган фарзандларининг ўқиши ва тарбияси билан умуман қизиқмай, уларни пул топиш учун тиламчилик қилишга чиқариб турган. Ва бу ҳам етмагандек, болалари билан яшаб турган уйни сотиб, ўзи эса Намаган шаҳрига эрга тегиб кетган.

Натижада ҳали ҳаётда оқ-қорани яхши билиб улгурмаган унинг фарзандлари қаровсиз қолиб, ҳар кимларнинг уйида яшаб кун кўрганлар.

Туман прокуратураси томонидан қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни аниқлаш юзасидан ўтказилган текширишда юқоридаги ҳолатлар аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судига Р.Асраровани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан даъво аризаси киритилди.

Учкўрғон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Р. Асрарова оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Туман прокуратураси аралашуви асосида Фотима Асрарова, Зухра Асрароваларнинг шахсига оид ҳужжатлар тикланиб, уларга туман ички ишлар бўлими орқали паспорт олиб берилди ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида улар соғлиғи, ҳавфсизлиги ва ахлоқ-одобига зиён етказмайдиган Уйчи йигирув-тикув акциядорлик жамиятининг тикув цехига ишга жойлаштирилди.

Туман прокуратураси томонидан қаровсиз қолган вояга етмаганларга бош бўлиш ва мулкий муносабатларга тўлақонли киришиш мақсадида вояга етмаган Ф.Асраровани тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) юзасидан Учкўрғон туманлараро судига даъво ариза киритилиб, мазкур даъво ариза суднинг 2001 йил 6 июндаги ҳал қилув қарорига асосан қаноатлантирилди.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда 1999 йил 1 январдан 2001 йил апрелгача жами 394153,09 сўм боқувчисини йўқотганлик пенсияси Р.Асрарова фарзандлари билан бирга яшамаётганлиги ҳамда фуқаролик паспорти бўлмаганлиги учун тўланмай келинаётганлиги аниқланиб, ушбу пенсия пуллари қонуний тартибда тўла муомалага лаёқатли деб топиладиган Ф.Асраровага олиниб, унинг номига Уйчи шаҳарчаси, Беруний кўчаси, 10-уйдан 3 хонали квартира олиб берилди. Қолган маблағ уларнинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланди.

Хозирда улар туман прокуратураси, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияси, туман халқ таълими бўлими ҳамда Уйчи шаҳарча фуқаролар йиғини назоратида таълим-тарбия оломоқдалар. Мустақил юртимизнинг келажақ истиқболи ёшларимизнинг билим-заковатига боғлиқ. Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, етук, зукко бўлиб етишиши йўлида барчамиз қайғурайлик.

Зеро, ёшлар бизнинг келажағимиз.

**Нурмуҳаммад РАДЖАПОВ,**  
Уйчи туман прокурори

## ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Яқинда Сирдарё вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Республика Ҳарбий прокурори Б.Дехқонов ва вилоят, туман, шаҳар прокуратураларининг ходимлари иштирок этдилар.

Кун тартибидидаги масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари А.Шамсикўлов маъруза қилди. Сўнгра музокараларда иштирок этган Бош прокурор ўринбосари Б.Дехқонов, Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Т.Ражабов, Гулистон шаҳар прокурори Д.Холбоев, Сайхунбод туман прокурори А.Бобобековлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўткир ХУДОЙКУЛОВ,**  
Сирдарё вилоят  
прокурорининг катта  
ёрдамчиси

«...прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур.»

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасидан.

## «РАҲМАТ СИЗГА, ПРОКУРОР»

Биз Қизилтепа туманидаги «Бўстон» кўрғонида истиқомат қиламиз. Ўтган йили оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашган ҳолда ер олиб, деҳқон-фермер ҳўжалиги тузишга аҳд қилдик. Ушбу мақсадда тегишли идораларга учрашдик. Анча югур-югурлардан кейин «Беҳзод - 2000» деҳқон-фермер ҳўжалигини тузиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқди ва ҳўжалигимиз давлат рўйхатидан ўтказилди. Аммо ижро этилмагунча қарорнинг бир парча қозғодек қудрати йўқ экан.

Шундай қилиб туман ҳокимининг қарори тўлиқ ижро этилмади. Яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун лозим бўлган 14,5 гектар ўрнига атиги 5 гектар майдон ажратилди, холос. Бир хиёл бошлаган ишга қўл силтимоқчи ҳам бўлдик. Аммо бургача аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйсак ким зиён кўради?

Охири туман прокуратурасига ариза ёзишга қарор қилдик. Орадан уч кун вақт ўтиб, уйимизга бир хат келтиришди. Унда аризамиз кўриб чиқилганлиги ва ноҳақ эғаллаб олинган 9,5 гектар майдон «Зарбдор» жамоа ҳўжалигидан «Беҳзод - 2000» деҳқон-фермер ҳўжалигига олиб берилиши маълум қилинган экан. Туман прокурори Абдураҳмат Болтаевнинг шахсан аралашуви билан қолган ер майдонимизга ҳам эга бўлдик.

Ҳозирда бир тан-бир жон бўлиб деҳқончилик маҳсулотларини парваришляямиз. Ҳосил чўйига қараб завқим келади.

Хўрматли Бош муҳаррир! Тилагимизни тушуниб, беминнат ёрдами-ни аямаган туманимиз прокурорига газетангиз орқали миннатдорчилигимизни етказишингизни жуда истар эдим.

**Бахшилло ҚОБИЛОВ,**  
«Беҳзод - 2000» деҳқон-фермер  
ҳўжалиги раҳбари

# ХАЛҚАРО ХАЁТ

## ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ШАРҲЛАР

### ТЕРРОРНИНГ ЯНГИ ТУРИ

**11 СЕНТЯБРЬ.** Бу кун нафақат Америка Қўшма Штатлари, балки бутун инсоният тарихида энг муҳим жиноят содир этилган кун сифатида муҳрланиши аниқ. Ушбу кун ҳам америкаликлар ҳар доимгидек ўқигиша, ишга жўнаш учун кўчага отланишди. Аммо, уларнинг айримлари тақдирда бугун қандай воқеа содир бўлиши фақат яратгангагина аён эди. Барча нарсадан ҳимояланган, эркин, хавфсиз ҳудуд деб тан олинган кучли бир давлатда юз берган террорнинг жirkan ҳужуи бутун жаҳон аффор оммасини қарахт аҳволга солиб қўйди. Террористлар томонидан эғаллаб олинган тўрт самолёт Нью-Йорк, Вашингтон ва Пенсильваниядаги Америка қудратининг тимсоли бўлган биноларга зарба берди. Бугун биз бу воқеаларнинг қандай содир бўлганлиги, қанчадан-қанча талафотлар қўрилганлиги ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Мана бир ҳафтадирки, оммавий ахборот воситалари бу воқеани содир бўлганлигини маълум қилиб бораёпти. Бугун биз яна ана шу воқеаларнинг тафсилотларига қайтмоқчимиз. Аммо, кўпроқ унинг сабаблари, келиб чиқиш илдири, Америка халқи учун миллий фожиа сифатида эътироф этилаётган террорнинг оқибатлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Аввало жиноятчиликнинг энг қабих тури — терроризм ҳақида тўхталсак. Террор сўзи кўркүв, даҳшат маъносини англатади. Энг ачинарлиси, бундай қўпоровчиликлардан кўпинча тинч аҳоли жабр чекади. Биз бугун унинг даҳшатини чуқур ҳис этганмиз. Чунки бу иллат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизнинг бу офатга қарши кураш ташаббуси кеча ё бугун бошлангани йўқ. Президент Ислам Каримов халқаро ташкилотлар минбарларидан терроризмга қарши кураш борасида гапирар экан, бу иллатга қарши бир давлат эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамияти биргалашиб курашиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Хусусан, БМТнинг юбилей йиғилишида, Туркияда бўлиб ўтган саммитда Президентимиз бу масала юзасидан қатор таклифларни илгари сурди. Терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ҳам айнан мамлакатимиз раҳбарининг таклифидир. Халқаро ҳамжамият бу таклифларга ўз муносабатини билдириб уни кейинчалик бошқа анжуманларда ҳам муҳокама этди. Бирок, уни амалга ошириш режаси амалий тус олмади. Шу боис ҳам, содир этилган қўпоровчилик унинг масофа, мамлакат, миллат танламас жirkan кучга эга эканлигини кўрсатди. Шу ўринда айтиш керакки, Қўшма Штатлар ҳукумати терроризмга қарши курашга қатта маблағ ҳам ажратиб келмоқда. 2001 йилда ана шу мақсадлар учун бир неча миллиард доллар маблағ ажратилган. Пентагон ҳамда Жаҳон савдо марказида содир этилган террорчилик ҳаракатларидан кейин сиёсатчилар Америка Қўшма Штатлари ҳукумати терроризмга қарши курашга етарлича маблағ ажратган экан, бу маблағлар тўғрисида сарфланганмикин, деган саволларга жавоб қидира бошладилар. Айрим демократлар президент Буш маъмуриятини ҳаво ҳужумига қарши миллий мудофаа тизимини шакллантириш масалаларига киришиб кетиб, унданда мураккаб бўлган террор кўринишидаги офат олдида ожиз бўлиб қолганлиқда айбладилар. Транспорт тизимида хавфсизлиқни кўчатириш тўғрисида қонун қабул қилинишида сўзга чиққан вакиллар палатаси аъзоси Эрл Блюменаур, биз кўпроқ жиноятчиликнинг кенг тарқалаётган кўринишларини бартараф этишга эътиборни кўчатиришимиз лозим, шундан кўриниб турибдики, бизнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимини яратишда ҳам муҳимроқ ва тезда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ечими кўтмоқда, деди. Терроризм масалалари бўйича етакчи мутахассис саналган Брюс Хофф-маннинг айтишига қараганда эса мамлакатда кўпроқ терроризмнинг автомобиллар ёки поездларга бомблар қўйиш ҳамда биологик қуролларга қарши кураш махсус хизматлар диққат марказида бўлган. Бироқ улар икки кўриниш орасидаги ҳеч қандай «ҳавога келмаган» содир этилган жиддий офатга лоқайд бўлганлар.

Энди террорчиларнинг тактик ҳаракати хусусида сўз юритсак. Нега энди Жаҳон савдо маркази (ЖСМ) ҳамда АҚШ Мудофаа вазирлиги биноларига зарба берилди. Бугун бу саволларга турлича қарашлар, фикрлар баён этилмоқда. Кези келганда айтиш керак-ки, ЖСМ Қўшма Штатлар қудратининг рамзи саналади. 420 метрдан иборат бир бирига уқшас бу икки бино жаҳон мамлакатлари иқтисодий фаолиятида етакчи ўрин тутди. Қўпоровчиликнинг аввалдан режалаштирилган бу ҳаракатлари негизда ҳам одамлар гавжум марказга зарба бериш бўлган. Террорчиларнинг қўпоровчилиги бундан олдинроқ кўп мамлакатларда содир этилган самолётларни йўловчилари билан гаровда ушлаб туриш жиноятдан кескин фарқ қилади. Чунки, у ёки бу мамлакат ҳудудларида гаровга олинган самолётлар йўловчилари билан ақсарият ҳолларда террорчилар исканжасидан эсон омон қўқариб олинган эди. Уларнинг ўйлаб топилган янги найранглари минг-минглаб тинч аҳолининг қурбон бўлишига, мамлакат иқтисодиётига миллиардлаб доллар зарар етишига сабаб бўлди.

Албатта, бу муҳим жиноят жазосиз қолмайди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳали бу ҳақда ҳўп ва кўп гапирилади, бинолар ҳам қайта тикланар, вайрона йўллар тикланар, аммо қалб яраси, беважт ҳазон бўлган инсон умри, яқинларидан айрилганларнинг кўнгли доғларини ҳеч нарса билан тиклаб бўлмайди. Содир этилган воқеалардан аччиқ ҳулосалар шуни кўрсатмоқдаки, дунёдаги қудратли, ҳеч қандай муаммоларга ўрин йўқ дея таъкидланганидан давлат ҳам бу қабил ваҳишона қўпоровчиликлардан ҳимоя қилинмаган экан. Демак, бутун дунё мамлакатлари кучларини бу офатга қарши бирлаштириш, умумжаҳон хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дилмурод ЭШМУРотов



НЬЮ-ЙОРК. 11 СЕНТЯБРЬ, 2001 ЙИЛ

## РЕКЛАМА

### «Карвон банк» ОДИМЛАРИ

Маълумки, банк тизимини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизда ҳам банклар фаолиятини давр талаблари асосида ташкиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири саналади. Бу борада фаолиятдан ибрат олса арзигулик банклар мамлакатимизда кўплаб топилади. Ана шундай нуфузли банклардан бири «Карвон банк»дир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Хусусий банкларни ривожлантириш тўғрисида» Фармони асосида ташкил этилган ушбу молия муассасаси яқинда икки ёшга тўлди. 40 млн. сўм маблағ билан иш бошлаган «Карвон банк» шу давр ичида 512 млн. жамғармага эга бўлди. Банк иш бошлаган вақтда унинг мижозлари сони атиги 40 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сони 400 тага етди.

Банк қўлга киритган энг қувончли ютуқлардан бири унинг мамлакатимизнинг энг нуфузли Ахборот рейтинг компанияси рўйхатида бир ярим йил ичида мўтлақ рейтинг бўйича 2-ўринни эгаллаганлиги бўлди.

Ҳозирги кунда «Карвон банк» ўз имкониятларини янада кенгайтириш сари интилоқда. Истиқбол режасига кўра жорий йилда пойтахтимизнинг Сирғали даҳасида, Беруний ҳамда Чорсу майдонларида мини-банклар иш бошлаши керак эди. Айни вақтда мазкур мақсад учун қурилаётган иншоотларда ишлар ниҳоясига етай деб қолди.

Маълумки, банклар фаолиятида тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мижозлар сонини кўпайтиришда муҳим роль ўйнайди. Бир қатор хизматларнинг текинга амалга оширилиши эса мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратади. Ҳисоб рақами очиш, 1 ойдан 3 ойгача бепул банк хизмати кўрсатиш, бепул юридик ва молиявий маслаҳатлар бериш ана шундай қулайликлар сирасига қиради.

Хуллас, «Карвон банк» мамлакатимиз иқтисодиётга муносиб улуш қўйиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Қисқа қилиб айтганда, «Карвон банк» ишончли ҳамкордир. Сиз ҳам банкимиз имтиёзларидан фойдаланинг.

### «МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИНГИЗ КЎРКИ»

Мамлакатимизда ҳозирги кунда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кўплаб корхоналар ишга туширилди ва тушириляпти. Бу халқ дастурхонини мазали нон маҳсулотлари билан тўлдирish имкониятини оширади.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Сойибжон» хусусий фирмасида кунига 5-6 тонна ун қайта ишланиб, ундан нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Маҳсулотларнинг дўконларда туриб қолмаслиги учун нонларнинг сифатига қатта эътибор берилган. Биз корхона цехларини айланиб, бу ерда ишлаётган ишчилар билан суҳбатлашиб бунга ишонч ҳосил қилдик.

— Комбинатимиз 1995-йилгача «Тахтапул» нон комбинатининг филиали бўлган. Биз комбинатини 1995 йилда «Сойибжон» хусусий фирмасига айлантирдик, — деб гап бошлади фирма раҳбари Раҳимжон Зуфаров. — Бу фирмада ҳозир 36 нафар хизматчи меҳнат қилади. «Сойибжон» хусусий фирмаси ахлининг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган 2000 йилнинг охирида биз комбинат учун 11 ой муддат билан «Фалла-банк»дан 5 млн. имтиёзли кредит олди ва бу пулларни комбинат тегирмонига, хом ашё ва бошқа ишларга сарф қилдик. Келажакда комбинатда печенье цехини қуриш ва эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш ниятимиз бор.

Дарвоқе, корхонага қадам ранжида қилишимиз биланок корхона ҳовлисидаги бог ва полиз экинлари эътиборимизни тортди. Бу ерда ҳатто қишда ҳам плёнка остига помидор, бодринг, баклажон ва шунга ўхшаш экинларнинг етиштирилиши қувонарли ҳолдир.

Сиз ҳам «Сойибжон» хусусий фирмасига ташриф буюринг ва маҳсулотларидан татиб кўринг\*\*.

## «ИШЛАЙДИГАН ДАВРЛАР КЕЛДИ»

Тадбиркорлик ҳақида гап кетганда авваламбор кичик ва ўрта бизнес субъектлари назарда тутилади. Иқтисодиётимиз бозор муносабатларига мослаштирилаётган айни давларда мамлакатимизда тадбиркорлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу ишлардан кутилаётган натижаларни эса қувонч билан қайд этиш мумкин. Пискент туманидаги «Сардорхон» хусусий корхонаси раҳбари Сабрхон Саидхонов булар ҳақда ўз фаолияти мисолида қуйидагиларни гапириб берди:

— Юртимизда ҳақиқий маънода тадбиркорлар даври бошланди. Бунга ҳар бир ишбилармон қалбдан ҳис қилиб турибди.

Ўтмишга назар ташласак, собиқ Иттифок даврида тадбиркорлик фаолияти ҳақида гап-сўз бўлмасди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш эса ҳатто ҳаёлга ҳам келмасди. Хуллас, уддабурро, ишбилармон одамларнинг эркин фаолият юритишлари ҳар томонлама чекланган эди. Энди эса мустақиллик шарофати билан бу борада чексиз имкониятлар очилди. Шу сабабли, ҳар бир инсон ўз қобилияти, шарт-шароитини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик билан шугулланиши мумкин.

Лекин, орзу бошқа, иш бошқа. Тадбиркорликнинг ҳам ўзига хос рағбат оғир-енгил томонлари бор. Ҳақиқий ишбилармонларгина бошлаган хайрли ишларнинг паст-баланд доволаридан ошиб ўтишга муваффақ бўла олади.

Бугунги куннинг тадбиркорлари аввало юрт манфаатини ўйлаб иш юритишлари керак. Шахсий манфаати ортидан югурган ишбилармонни ҳақиқий тадбиркор деб бўлмайди. Ҳар қандай ишга қўл урганда, бошлаган ишимдан ўзимдан ташқари шу юрт одамлари нима наф кўради, уларга қандай фойда тегади, деб ўйлаб кўриш керак.

Тошкент - Бекобод йўналиши бўйлаб ўтган шох кўчанинг ташландиқ жойини ўзлаштириб, Карвонсарой қуришни ният қилдим. Ниятимга қўллаб инсонлар пешвоз чиқиб, беминнат ёрдам кўрсатдилар. Ўз маблағим эвазига икки йилда қурилишни тугатдим. Ҳозирда барча қўлайликларга эга бўлган карвонсарой йўловчилар хизматида.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида ҳўжаликдан 9,5 гектар ер олгандик. Айни кунларда 100 бош йирик молга мўлжаллаб қурилаётган фермадаги ишлар ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Ёқилги қўйиш шахобчамиз, нон ишлаб чиқариш корхонамиз ҳам юртдошларимизга хизмат кўрсатиб келаяпти.

Ўрни келганда айтиб ўтишим керак, бу ишларни амалга оширишда онамнинг ҳам катта хизматлари бор. У киши бизларни — ўн нафар фарзандларини вояга етказиш билан бирга умр бўйи халқимиз учун хизмат қилганлар. Президентимизнинг Фармони билан онажонимизнинг «Шухрат» медали билан тақдирланганлигидан бошимиз осмонга етди. Онам менга, олтимиш ёшгача қурилиш қиласан, деган. Худо хоҳласа, ҳамма насиҳатларига амал қиламан.

Ҳаркатда баракат, дейишди. Жорий йилнинг ўтган даври бўйича 3 млн. 986 минг сўм даромад олдик. Унинг 463 минг сўми етиштирилган маҳсулотимиз эвазига олинди. Биргина ёқилги қўйиш шахобчамизнинг дебиторлик-кредиторлик айланмаси 50 млн. 841 минг 700 сўмни ташкил қилади. Ярим йил давомида 57 млн. 628 минг сўмлик нефт маҳсулотлари сотилди.

Олган даромадимиз ўтган йилга нисбатан бир ярим баробардан ошди. Шу кунларда ферма қурилишидан ташқари иккита нон дўкони ҳам қад ростлапти. Тикув цехи очиш ниятим ҳам йўқ эмас. Бир сўз билан айтганда, олаётган фойдамни фақат қурилиш ишларига сарфла-яман. Эл-юрт, одамлар учун менимча, бундан-да савоб иш бўлмаса керак?\*

Сўхбатни Шокиржон АХРОРОВ ёзиб олди



### «ABK» хусусий корхонаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ

БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

### «КАВСАР» булоқ суви

ДАСТУРХОНИНГИЗ КЎРКИГА АЙЛАНСИН!

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**

«Тошкентдонқабулқилиш» ҳиссасдорлик жамияти

## ТЕННИС

САФИННИНГ  
ИККИНЧИ ГАЛАБАСИ

Мукофот жамғармаси 550 минг АҚШ долларини ташкил этувчи Президент Кубоги турнири ҳам кескин учрашувлардан сўнг ўз ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган АТР туркумига кирувчи Президент Кубоги турнирининг асосий босқич учрашувлари юртимиз теннис мухлислари учун жуда катта спорт байрамини тақдим этди.

Мамлакатимиз ва умуман, жаҳоннинг кўплаб теннис мутахассислари Президент Кубоги турнирининг айнан мана шундай яқун топишини, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Сафин — Кафельников финалини кутишганди. Дарҳақиқат, жаҳоннинг энг кучли икки теннисчиси яқинда кунги Тошкент кортларида тўқнаш келишди. 2001 йил давомида ўз фаолиятини муваффақиятсиз ўтказиб турган Марат Сафин яқиндагина Америка Қўшма Штатларининг очик чемпионатида ярим финалга чиққан эди. Худди шундай ҳолат Евгений Кафельников билан ҳам юз берди. Уларнинг Президент Кубоги финалида яна тўқнаш келганини кўпчилик тасодифга йўймади. Учрашувда ёш ва кучга тўлган Марат рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Кетма-кет икки сетда 6:2 ҳисобида галаба қозониб ўзининг ўтган йилги титулини сақлаб қолган ҳолда жорий йилдаги биринчи чемпионлигига эришди. Сафин учун ушбу турнир ўзига хос аҳамиятга эгадир. Чунки, ўтган йилги Президент Кубогида галаба қозонганидан сўнг у жаҳон рейтингига биринчи ўринга чиқиб олганди.

Жуфтликлар борасида эса словакиялик Доминик Хрбаты ва француз Жульен Бетьелар дублига тенг келадиган рақиб топилмади. Финалда улар Жанубий африкалик Мариус Бернар ва америкалик Жим Томаслар жуфтлигини 6:4, 3:6, тай-брекда эса 13:11 ҳисобида мағлуб этишди.

Чемпион ҳақида қисқа маълумот: Марат Сафин 1980 йилда Москвада туғилган. 6 ёшдан теннис билан шугулланади. У Президент Кубоги турнирида биринчи рақам билан рўйхатга олинган. АТРнинг 52 ҳафталик рейтингига бўйича учинчи поғонада жойлашган бўлса, «Чемпионлар Пойгаси» рейтингига эса Президент Кубоги турнирига қадар 14-ўринда эди. АТРнинг эълон қилинган янги рейтингига Сафин 11-ўринга кўтарилди. Россиялик бу татар йигити ўз теннис фаолияти давомида 8 та турнирда галаба қозongan. Жорий йилда эса Дубай турнирида финалга, Индианаполис, АҚШ очик чемпионати ва Уимблдон ва Миланда яримфиналга қадар етиб борганди. Президент Кубоги турнирида эса финалга қадар исроиллик Нуам Окун, швейцариялик Марк Россе, даниялик Кристиан Плесс ва арманистонлик Саркис Саргисянларни мағлуб этди.

— Кафельников билан биринчи бор дуч келишим эмас. Биз Римда ҳам тўқнаш келганмиз, бироқ унда Женья 6:1, 6:2 ҳисобида устун келганди, — дейди Марат Сафин. — Евгений Кафельников бу йил албатта Президент Кубоги соҳиби бўлишга ваъда берганди. Бироқ, унинг ўз ваъдасини бажара олмагани учун мен ундан узр сўрайман, — дея ўз дўстидан кечирим сўради Президент кубогининг икки карра соҳиби.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларидаги голиблари ҳам ўз фикрларини изҳор қилишди.

Доминик Хрбаты: — Мен Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Кафельников билан яримфиналда тўқнаш келдим. Энг муҳими жуфтликда Бутъени ҳамкор қилиб адашмадим. Умуман олганда, бу ердаги кортлар менга жуда ёқди. Айни пайтда Бухарестда ҳам худди шундай турнир бўлиб ўтди. Бироқ мен Тошкент турнирини танладим. Чунки бу ердаги турнир нуфузи ҳақида кўп эшитгандим. Шунинг учун бу ерга келдим ва ўйлайманки, адашмадим.


Жульен Бутъе: — Тошкентдаги очилиб ёпиладиган гўзал кортлар мени мафтун этган. Қаторасига учинчи бор Президент Кубоги турнирида иштирок этаётиман. Менга Ўзбекистон халқи, унинг меҳмондўстлиги, умуман олганда, барча-барчаси ёқади. Ўйлайманки, келгуси турнирларда ҳам мен бу юртга албатта ташриф буюраман.

Чемпионлар аниқланди. Кортга Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов ташриф буюрди. Турнирнинг ёпилиш маросимида нутқ сўзлар экан, президентимиз ўтган ҳафта АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари қўрбонлари хотирасини ёдга олиш мақсадида бир дақиқа сукут сақлашга чакирди.

Турнирнинг голиби Марат Сафинга Президент Кубоги тантанали равишда топширилди. Президентимиз турнир финалчиси Евгений Кафельниковга муваффақият тилаган ҳолда мусобақа катнашчиларига миннатдорчилик изҳор этди.

Норбек НИЁЗОВ,  
спорт шарҳловчиси

## КРОССВОРД



**ЭНИГА:** 1. Пайванд тури. 4. Қўсакка ўхшаш ичи бўш мевави кўп йиллик ўсимлик. 8. Карфаген саркардаси. 9. Физиканинг товушлар ҳақидаги бўлими. 11. Машхур араб сайёҳи. 14. Ёзувчи аёл. 15. Ишнинг олдиндан белгилаб қўйилган чамаси. 17. Қадимги мисрликларнинг ҳосилдорлик ва оналик маъбудаси. 18. Таниқли, иқтидорли шоира ..... Абдуазимова. 19. Машхур хинд кино юлдузи. 23. Ливия саҳросидаги сўргун жойи. 24. Раис аёл. 25. Похол ёки гўзадан эшилган аркон. 27. Эронда аҳамонийлар даврида қурилган подшо саройларининг катта хонаси. 30. Аканинг хотини. 31. Қадимги юнон мифологиясида ов маъбудаси. 32. Кўп эшакли кема. 33. 19 аср охири 20 аср бошларида ижод қилган ўзбек шоираси.

**БЎЙИГА:** 2. Саёҳатчи - телебошловчи. 3. Муайян бир тушунчанинг аниқ ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси. 4. Темир йўл линияларининг ўлчов бирлиги. 5. Рўян ўсимлигининг илдиздан олинадиган бўёқ модда. 6. Россиядаги ёғочсозлар шахарчаси. 7. Ўрилмаган соч. 10. Одиссейнинг ватани. 12. Франциядаги шахар. 13. Усти ёпик енгил автоулов. 15. Улуғ хурматга лойик, муҳтарам. 16. Краснодар ўлкасидаги порт - шахар. 20. Узум нави. 21. Саудия арабистонидаги шахар. 22. Қўлбола «ховуз». 23. АҚШнинг жануби-ғарбидagi шахар. 26. Шошилганда топилмайдиган калима. 28. Қадимги оғирлик бирлиги. 29. Ҳам туман, ҳам таом, ҳам дарё.

Тузувчи: Т. УМАРОВ



Илоҳ сиздан.

А. ТЎРАЕВ фотолавҳаси

## БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

КУНИМ КЎРГА  
ҚОЛДИМИ?

— Менга минг сўм қарз бериб турулмайсизми?  
— Афсуски, ёнимда бунча пул йўқ эди-да.  
— Уйда-чи?  
— Уйдаими, раҳмат, уйда ҳаммаси жойида.

...

Имтиҳондан бир кун олдинги тун. Профессорнинг уйида телефон жиринглади. Профессор уйқусираб гўшакни кўтарди:

— Ким у?  
— Ҳа, ухлаяпсизми?  
— ?!?!?  
— Биз эса ўқияпмиз...

...

Уйига ўғри тушган киши полиция чакирди. Тез орада полиция машинаси етиб келди. Машинадан олдин ит, ортидан полиция ходими тушиб келди. Полиция ходимининг итни боғичидан ушлаб олганини кўриб уй эгаси баттар жазавога тушиб:

— Вой, шўрим қуриб қолди. Уйимни ўғри уриб кетгани етмаганидек, энди куним кўзи оғиз полициячига қолди?

БУЗОҚНИНГ  
ЮГУРГАНИ...

Техас қамоқхонасидан қочган маҳбўсга автомобилни ёмон бошқариши панд берди. Гап шундаки, у тўқташ таъқиқланган жойда автомобилни тўхтатди. Шунинг учун ҳам уни ҳибсга олишди. Ўзтиборлиси, Леэрданинг ҳаётида бундай воқеа олдинроқ ҳам содир бўлган эди. 1992 йилда йўл ҳаракати қондасини бузгани учун жарима ёзаётган

полиция офицери уни қидирувда бўлган шахсга ўхшатиб ҳибсга олган эди.

Нима ҳам дердик, ушбу воқеа халқимизнинг «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган нақли нақадар ҳақлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

TIMESNING  
АСОСЧИСИ

New York Times газетасига 1851 йилда Генри Рэймонд ҳамда Жорж

Жонсонлар томонидан асос солинган. Дастлаб New York Daily Times номи билан чоп этилган газета, олти йилдан сўнг бугунги номда чика бошлади.

Газетанинг ilk тиражи Манхеттендаги савдо марказининг томида босмадан чиқарилган. Унинг биринчи номерлари 4 саҳифадан иборат бўлиб, унинг ҳар бирига бир центдан маблағ сарфланган.

Рэймонд ва Жонсонларнинг ўлимидан сўнг, 1996 йилда бой нашриётчи Адолф Окс томонидан газе-

та 75 минг доллар эвазига сотиб олинди. Шундан сўнг мазкур газета америка матбуотининг етакчи нашрларидан бирига айланди.

Бугунги кунда New York Times ана шу номдаги йирик компания томонидан ҳар кунги нашр этилади. Унинг бир галги чоп этилиши 1,1 миллион нусхадан ортиқни ташкил этади. Газетанинг яқинда кунги сони эса 1,7 миллион нусхада чоп этилади.

Хориж матбуотидан  
Ф. МАМАШАРИПОВ таржимаси

## БУ ОЛАМДА БИР ОЛАМ ГАП